



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 84 (8824) 24 апрель, 1986 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 3 тийми.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

### ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Илгари хабар қилинганидек, ўн тўқ қизичи чарчир ҳалқ депутатлари Тошкент область Советининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда область ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов очди. Ўрта Чирчиқ районидаги ўрта мактаб ўқитувчиси депутат Ф. Н. Исломов сессия раиси, Наринманов шаҳар ижроия комитети раиси депутат О. Н. Пузанков сессия секретари қилиб сайландилар.

Сессияда «КПСС XXVII съезди якуни» ва область халқ депутатлари Советларининг съезд қарорларини бажариш юзасидан вазифалари масаласи кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан область ижроия комитетининг раиси П. М. Абдураҳмонов доклад қилди.

Бу масалани муҳофизат қилишда депутатлардан Агрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Березовский, Ўзбекистонда «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхоз директори Р. И. Каримов, «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасининг Красногорский посёл-

қасидаги 1-филиали тикувчи-мотористи Г. Г. Беспалова, Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси С. П. Шерматов, Чирчиқ шаҳар автобус-такси-мотор парк слесари А. В. Глушченко ўртоқлар қатнашдилар.

Шунингдек, депутатлар область солиқни сақлаш бўлимининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини янада яхшилаш ва аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш сависини ошириш юзасидан қилнаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқдилар. Шу масала юзасидан область солиқни сақлаш бўлими мудири М. Ф. Бекнозова доклад қилди, солиқни сақлаш ва социал-таъминот бўйича доимий комиссия раиси Ш. З. Камолхўжаев қўшимча доклад қилди.

Сессияда шунингдек, область суди составига киритилган айрим ўзгаришлар масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Қўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ҳарда фан-техника тараққий-етини жорий этишни жадаллаштиришда депутатлар ва доимий комиссиялар иштироки юзасидан конкрет планлар белгилади. Бироқ, афсуски, бу яхши ташаббус ҳамма шаҳар ва район ижроия комитетлари томонидан қўллаб-қувватланмаётгани йўқ. Бундай планлар ресурсларини тежайдиган, чиқитиш ишлаб чиқариш технологияни жорий этишга, иқтисодий хом ашёлардан фойдаланишга, партия ва ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофизат қилиш масалалари юзасидан қарорларнинг қандай бажарилаётганини ўстидан мунтазам назоратни таъминлашга, табиати муҳофизат қилиш соҳасида бўлимлар, бошқармалар ва жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштиришни кучайтиришга қўмақлаштириш лозим.

Капитал қурилишини яхшилаш иқтисодий ва социал ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган йўлни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартлари билан бирдир. Бу масалада ҳам область маҳаллий Советлари ўзларининг қатъий сўзларини айтганлари йўқ. Областа тугалланмаган қурилишларнинг қўлай бораётгани ва капитал маблағларнинг соғиб юборилаётганили, айрим йирик объектларни фойдаланишга топшириш мuddатлари кўзга юборилаётганили мутлақо кеңиб бормас ҳолдир. Янги-янгил шаҳри ва Тошкент районидан капитал маблағларини ўзлаштириш қониқар-сиздир.

Ҳозир областда 80 мингдан кўпроқ оила уй-йўли олувчилар рўйхатида турибди. Йилгига эса ўртача 12 минг квартира топширилмақда. КПСС XXVII съездининг 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш юзасидан белгила берган вазифасини бажариш учун турар-жой қурилишини тезлаштириш, ҳар бир шаҳарда ва районда турар-жой қурилишининг аниқ программасига эга бўлиш, бу қурилишга ҳамма корхона ва ташкилотларни жалб этиш, хўжалик йўли ва кооператив усулидан турар-

жой қурилиш қўламини кеңайтириш лозим.

Шаҳар ва район ижроия комитетлари турар-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қурилишини амалда ҳал этиш ишини бошқаришлари, уй-созлик комбинатлари ва йирик панеллардан уй қуриш заводлари қувватини оширишни ўз назоратлари остига олишлари, кадрлар билан таъминлаш ва уй-жой-маиший шартноларни яхшилашда уларга ёрдам беришлари керак.

КПСС XXVII съезди агро-росаноат комплексини кенсалтиришни жадаллаштириш юзасидан конкрет програм-мани белгилади. Областимизда агро-росаноат комплексини қайта қуриш ниҳонсига етказилмоқда. Област бўйича биринчи кварталда чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш пилани бажарилди, унинг ҳажминини қўлайтиришга эришилди. Чигит, эртани ва ўртача картошка, сабазот экинлари, беда, лағайи қисқа мuddатларда экилди. Ҳозир ҳамма ерда гўзага сув берилмоқда, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва эртани ҳосил олиш учун қизғин кураш олиб борилапти.

Бироқ, бу ишларда қўпгина хато ва камчиликларга ҳам йўли қўйилмоқда. Ишни қайта қуриш оғир қўчалпти. Баъзи йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришда расмиётчилик, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари бажарётган ишларга аралашаверишга ҳам йўли қўйилмоқда. Қўлаб қарорлар қабул қилинапти-ю, аммо уларни амалга ошириш назорат қилинмапти.

Агро-росаноат раҳбарлари, бўлимчаларнинг бошқарили-шини янги шартнога мослаб қайта қура олганлари йўқ. Йилнинг натижа учун эмас, балки фақат ўз иш участка-ларини учунгина жавоб беришга уринмоқдалар. Район агро-росаноат бirlашмасининг раҳбарлари қўпгина ўзлари-га қарашли корхоналарнинг фаолиятига чуқур кириб бормайдилар, план-қўйириқларининг барбод бўлишига тўла жавоб бермайдилар.

(Давоми 2-бетда)

### Майолди социалистик мусобақаси

### Тўрт ойлик план бажарилди

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕХНАТЧИЛАРИ ҚИСҚА МУДДАТЛАР ИЧИДА МАМЛАКАТНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТЎЛА ТАЪМИНЛАШ СИЗЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИНГИЗДИР!

КОМПЛЕКСНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИгини, ҚИШЛОҚДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШИ ДАРАЖАСИНИ ҚАТЪИЯН ЮКСАЛТИРИШГА ЭРИШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан)

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Собир Рахимов районидagi Б-3 масив кун сайин кеңгайиб, обод бўлиб бормоқда. Бу ердаги 1176 ўринли янги мактаб қурилиши маддалик билан олиб борилаётган. 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармасидан Собит Содиков бошчилик қилётган 2-участка қурувчилари янги илм дегорини тез ва сифатли битказиш учун барча имкониятларни сафарбар этишпти. Кун кеча улар янги беш йилликнинг дастлабки тўрт ойи планини мuddатдан илгари бажардилар.

1 Май байрамига чаладиган қўшимча ўз кўнлари билан яна 40 минг сумлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мажбуриятини олшиди.

Участка коллективининг му-

ваффақиятида ёрдамчи пудратчи ташкилот бинокорлари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, социалистик мусобақанин ошқоралиги ва тейсирчанлиги таъминланган. Мактаб қурилишида бош пудратчи бўлиши 9-қурилиш бошқармасидан Вячеслав Минлер етакчилигидаги монтажчилик қилётган комплекс бригадалар, ёрдамчи пудратчи ташкилот — 2-пардозлаш трестининг 42-бошқармасидан Николай Арзамасов етакчилигидаги дурдорлар, Шокир Перимов раҳбарлигидаги сувоқичлар бригадалари айниқса унумли ишлашмоқда.

Э. ТУЛАГАНОВ.

### Мамлакат ғаллакорларининг бюртмасига кўра

КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқарила бошланган «Степ» кенг қамровли ўн-юрар катналари Тошкентда тайёрланган редукторлар билан жиҳозланади. Тошкент агрегат заводи Сибирь машинасозларига янги машинасозларга янги машинанинг узатма қурилмалари дастлабки туркумини юборди.

«Степ» янги авлод машинаси бўлиб унинг устида сира-сира ланг бермаслиги учун эксплуатация хуСУСУЯТЛАРИ яхшилашнинг керак. Шу бондан ҳам ғаллакорларнинг олдирини ўз назоратлари остига олишлари, кадрлар билан таъминлаш ва уй-жой-маиший шартноларни яхшилашда уларга ёрдам беришлари керак.

КПСС XXVII съезди агро-росаноат комплексини кенсалтиришни жадаллаштириш юзасидан конкрет програм-мани белгилади. Областимизда агро-росаноат комплексини қайта қуриш ниҳонсига етказилмоқда. Област бўйича биринчи кварталда чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш пилани бажарилди, унинг ҳажминини қўлайтиришга эришилди. Чигит, эртани ва ўртача картошка, сабазот экинлари, беда, лағайи қисқа мuddатларда экилди. Ҳозир ҳамма ерда гўзага сув берилмоқда, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва эртани ҳосил олиш учун қизғин кураш олиб борилапти.

Бироқ, бу ишларда қўпгина хато ва камчиликларга ҳам йўли қўйилмоқда. Ишни қайта қуриш оғир қўчалпти. Баъзи йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришда расмиётчилик, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари бажарётган ишларга аралашаверишга ҳам йўли қўйилмоқда. Қўлаб қарорлар қабул қилинапти-ю, аммо уларни амалга ошириш назорат қилинмапти.

Агро-росаноат раҳбарлари, бўлимчаларнинг бошқарили-шини янги шартнога мослаб қайта қура олганлари йўқ. Йилнинг натижа учун эмас, балки фақат ўз иш участка-ларини учунгина жавоб беришга уринмоқдалар. Район агро-росаноат бirlашмасининг раҳбарлари қўпгина ўзлари-га қарашли корхоналарнинг фаолиятига чуқур кириб бормайдилар, план-қўйириқларининг барбод бўлишига тўла жавоб бермайдилар.



ЎЗБЕКИСТОН ССР Мелиорация ва сув хўжалиги инстинининг қарашли «Ирридромаш» экспериментал заводда мелиораторлар учун хўла-хил ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу асбоб-ускуналар Ўрта Осёб, Козонкув, Закавказье ва Болтинбўйи республикаларида сув хўжалиги объектлари қурилишида қўл келтирилади. Янгида яна янги янги ускуна ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суратга завод участкаларидан бирида.

Р. Нуриддинов фотоси.

(ЎТАГ).

### ИЛГОР ЦЕХ ЮТУҒИ

1 МАЙ шарафига авж олдирилган цехларо социалистик мусобақада А. Абдураҳмонов бошлиқ 3-цех коллективини олдинда бормоқда. Улар чарм-галянтерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бirlашмасида халқимиза меҳнат бeллашувининг олдинги сафида бўлиш билан таъинланган. Илгор цех коллективини тўрт ойлик пилани мuddатдан илгари бажаргани тўғрисида рапорт берди. Муваффақиятда К. Рустамова, З. Бондарь каби коммунистлар ҳиссаи салмоқли бўлипти. Бу ишчиларнинг прогрессив иш усулларини қўллаш, иш вақтининг ҳар минутидан унумли фойдаланиш ва меҳнат иштирокига қатъий риоя қилишда бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

### СИЗНИНГ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

ТОШКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Майолди социалистик мусобақасини тобора қизайтаётган район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлат сабабот маҳсулотларини топширишни қўлайтиришмоқдалар. Ҳар кун шаҳарликларга 45 тоннага яқин бодринг, помидор, редиска ва ҳар хил ошқуқлар етказиб берилаётган. Ҳозирга таъминланган маҳсулот 1300 тоннага яқинлашган.

Карл Маркс номли, «Ленин йўли», «Ўзбекистон ССР 50 йилгига» колхозлари деҳқонлари телпикаларда ва оғиз далада пилека тағига экинлар экинлардан мўл ҳосил етиштиришди. Помидор, бодринг ҳосили пешмапеш терилиб, сараланиб жу-натилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

### СОВХОЗ ЯЙЛОВЛАРИДА

ЧНОЗ. (Телефон орқали олинди). КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётига янзил татбиқ этиётган Жамбул номи совхоз чўпонлари қўзлаштиш пиланин бажардилар. Шу кунгача совхозлардан 13 минг 452 боз қўзи олинди. Эришилган муваффақиятга колхознинг барча чорвадорлари муносиб ҳисса қўшилди.

Тажрибали чўпонлар Пўлат Мусиров, Жумагул Мағзумова, Хусан Қочқибеков, Омонгул Вакирова ўртоқлар бошчилик қилётган отарларнинг қўйчиниларини айниқса салмоқли ютуқларга эришмоқдалар. Улар совхозларнинг ҳар 100 бошидан 105—116 бошидан насл олиб, мусобақада гўлиб чиқдилар.

Совхозда жуи қирқки ишлари ҳам қизғин бошлаб юборилди.

Т. ЭРХУЖАЕВ.

### ДАЛА ИШЛАРИ КUNДАЛИГИ

### АСОСИЙ ЭЪТИБОР — ПАРВАРИШГА

У ҚИШЛОҚДА туғилиб ўсди. Деҳқон фарзанди бўлиши учунми пахтакор бўлиши дилгача туғиб қўйди. Кунлар, йиллар ўтди. Бирор нарсинин бошидан тутадиган вақт ҳам хаш-паш дегунча етиб келди. Шунда Турғунбой ҳеч иккинламай пахтадорлар жасорат қўрсатиб, мўл ҳосил етиштиришга қўшма қўлини солишга олганди. Пахта экди. Сув қўйди. Билмаганларини тажрибали деҳқонлардан тортинамасдан суради, ўрганди. Илдан-йилга малакасини ошира борди. Ўн кун уни идорача чақирдилар.

— Турғунбой, сента 2-бригадани топширсан, — деди колхоз раиси. — Ўзингдан қолар гап йўқ, ер шариоти оғир. Куч-қувватинг, тажрибаң бор. Одاملар билан тезда тил топшича олсан.

— Қандай бўларкин, — деди қўрилмаган тақлифдан довлариб қолган Турғунбой. — Уйда қиларкинман.

— Эплайсан, эплайсан, бунга ишончим қонил, — деди раис қатъий қилиб. — Шу-шу бўлди-ю, у бригадани бошчилик қила бошлади. Ҳар йили пиланин ошириб бажарди.

Х. Олимжон номли колхознинг Турғунбой Ҳасанов етакчилиги қилётган 2-бригадани аъзолари КПСС XXVII съезди қарорларидан руҳланиб, бу йил ҳам экин

мавсумига пухта тайёргарлик кўришди. Ерлар текислашиб, уруғлик вақтида келтириб қўйилганлиги туфайли 124 гектар майдонга чигитни вақтида экиб, уни тўла ундириб олинди.

Ҳар гектаридан 30,5 центнердан ҳосил қўтаришга сўз бердилар. Шу кунларда гўзаларга ишлов бериш бошлаб юборилди. Далага биринчи бўлиб бригада ме-

### ТАЙЁРГАРЛИК КўРИЛМОҚДА

БУ ЙИЛ 137 тонна «кумуш тола» етиштиришга сўз берган Оққўрғон райони меҳнаткашлари кўртакчиликнинг озуқа базисини мустақимлашга катта эътибор беришмоқда. Шу мақсадда арқ-зоғулар бўйига 375 минг тўп тут кўчати экилди.

«Оққўрғон», С. Сегизбоев номли совхозлар ҳамда Ҳалим Олимжон номли колхоз меҳнаткашлари тут экин ишларини районда биринчилар

қаторига ниҳонсига етказдилар. Шу кунларда хўжаликлардаги экин тутзорларини парвариш қилиш қизиб юборилди. Мавжуд 117 гектар майдондаги тут плантациясидан 60 гектарга ўғит солиб, сув қўйилди. Хўжаликларда термометр, психрометр, сўнчақ каби асбоб-анжомлар кўрт боқувчиларга тарқатилди.

М. МИРКАМОНОВА.

### ВИЗИТ ТУГАДИ

АХДП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештмайд 23 апрелда Москвадан жўнаб кетди. У совет ҳукуматининг тақлифига биноан расмий визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Таллизи ва бошқа расмий ишлари кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

### ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ йўлидан

Германия Бirlашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккернинг «Танланган мақолалар ва нутқлар. 1978—1985 йиллар» китоби босилди қилди. Тўлаям материаллари Германия Демократик Республикасининг ички ва ташқи сийсийини, ГБСПнинг ривожланиш социалистик жамият қуриш борасидаги фаолиятининг муҳим масалаларини кенг ёритди.

Тўлаям Сийсий адабиёт нашриети чиқарди.

(ТАСС).

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Северный маяк» колхозининг Малика Анорбоева бошчилик қилётган комсомол-ёшлар бригадаси деҳқонлари бу йил 97 гектар майдонда пахта етиштиришмоқдалар. Чигитни барвақт экиб ундириб олган бригада аъзолари айни кунларда гўза парваришини ҳам ушшоқчилик билан бошлаб юбордилар. Бригада далаларида дастлабки культи-вация билан бирга айрим карталарга чигит суви ҳам берилмоқда. Съездлар йилида бу коллектив ҳосилдор-лигини гектар бошига 32 центнерга етказишга ахд қилган. Суратларда: (ўнгда чапдан) механизаторлар Маҳмуд Минасенов, Пигитлар Анорбоев ва бригада етакчиси Малика Анорбоева культивацияни сифатли ўтказиш ҳақида суҳбатлаш-моқдалар; гўзага ишлов бериш пайти.

А. ЗУФАРОВ фотолари.





# ЧОРВАДАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ  
ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 3 (36)

МУТАХАССИС МИНБАРИ

## ҚАЙТА ҚУРАМИЗ

ҚИШЛОВ няхосига етапти. Хўш, районимизда у қандай аяқланмоқда? Яқинда район агроасоат бirlашмаси Советида ана шу масала муҳокама қилинди. Умуман, ўтган йили қишлоғга бирмунча яхши тайёрлар кўрилди. Хар бош қорамолга 18 центнер озуқа берилди, ҳисобда эм-хашак жамғарилади. Бу сўнгги йиллардаги энг — юқори кўрсаткич бўлди. Ишни яхши ташкил этган бир қатор ҳўжалиқларда қишлоб даврида ҳам маҳсулот олиш каймади. План ва топшириқлар муваффақиятли бажарилади. Масалан, Киров номи ўқув ҳўжалиги, «Эвбенистон ССР 5 йиллиги», Калинин номи совхозлар ва Энгельс номи колхозда сут, гўшт етиштириш кескин орди.

Ленин, текириқлар натижаси шуни кўрсатдики, қишлоб барча ҳўжалиқларда ҳам қўнғилдайдик аяқланмаётди. «Победа», Ленин номи, «Заря коммунизма», Димитров номи колхозлар, Волков номи совхоз ва «Огонёк» совхоз-заводида эса ситирлар маҳсулдорлиги пайсаби кетди. Гўшт сотиш планининг бажарилиши ҳам бароб бўлди.

КПСС XXVII съездида ишни янгилаш ташкил этиш, ҳар бир нуқсон ва камчилигини ўз вақтида олдини олиш, барта-раф этиш керак, дейди. Жуда тўғри гап. Агар масалага чуқурроқ ёндошilsа бу камчиликларнинг туб сабаби ўзимизга келиб тақалади. Биринчидан, ҳўжалик раҳбарлари, мутахассислар ҳақиқатча ўз вазифасига бўлган масъулиятни тўла ҳис этияптилар. Районимизда қишлобни намунали ўтказиш масаласи бир неча марта йнғилишларда муҳокама этилди, қарорлар қабул қилинди, штаблар ташкил этилди. Лекин ташкилотчилик ишларининг савияси юксак бўлмапти. Шунинг учун ҳам яхши-яхши қарорлар қоргозда қолиб кетмоқда. РАПО эса буларнинг ижроси билан қизиқмапти, назорат қилмапти. Шунинг учун ҳам қўпгина ҳўжалиқларда озуқа цехларининг беқор туриб қолиши натижасида эм-хашаклар ишламасдан молларга едирилмоқда. Қўплай нушхўрдга чиқиб исроф бўлماпти.

КПСС XXVII съездида қишлоқ ҳўжалигини интенсив ривожлантириш бош вазифа қилиб қўйилди. Биз съезд қарорлари асосида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу тадбирларда яқин йилларда чорвачилиқни ҳам етакчи рентабелли тармоққа айлантириш кўзда тутилди. Шу мақсадда ҳамма ишни комплекс ташкил этиш учун курашяймиз. Хар бир колхоз ва совхозда режалар белгиланди. Эм-хашак базасини янада мустаҳкамлаймиз, озуқабон экинлар қўнғилдорлигини оширамиз, турини қўпайтирамиз. Селекция ишларини тубдан қайта ташкил этамиз.

Чорвадорларнинг меҳнати оғир. Хар бир ферма ва комплексда улар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш

А. НОГАЙ, район агроасоат бirlашмаси Совети раисининг ўринбосари.

## ИНТЕНСИВЛАШ БОШ ВАЗИФА

СОВХОЗИМИЗДА сўнгги йилларда чорвачилик жадал ривожланимоқда. План ва топшириқлар ортиси билан бажариламоқда. 1986 йилнинг биринчи кварталида гўшт со-тиш планини 122 процентга, туҳумни 175 процентга ба-жардик. Давлатга 328 тонна сут етказиб бердик. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 39 тонна кўпдир. Айни пайтда кунга ҳар бош соғин ситирдан 8—9 килограмдан сут соғиб олаемиз.

Айни кунларда ферманинг ўзиде чорвадорларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйдик. Уларнинг малакесини оши-риб боришга ҳам катта эъти-бор бермоқдамиз. Хар бир чорвадор эришмаётган пи-ро-вард натижа, иш стажини ҳи-с-соби олнинг класс берила-ди. Шунга қараб қўшимча ҳақ оладилар.

Съездада ҳар бир тармоқни ривожлантиришни жедделла-штиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилувчи ҳамма имкониятларни ишга солиш лозимлиги алоҳида таъ-кидланди. Бу соҳада эланиши-ни давом этишяймиз. 1986 йилдан бошлаб сут-товар комплексинида лъовликлар-нинг илгор усули — по-ток цех системаси асосида иш-лашга ўтилди. Ҳозирги кунда бу ерда 4 та цех ташкил этилган. Биринчи цехда янги туққан ситирлар сақланади. Иккинчи цехда бўғоз ситир-лар парвариш қилинмоқда.

Фермаимизда бой берилеёт-ган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Масалан, айни кунларда сарфланеётган озуқага нисба-тан соғиб олаётган сутимиз кам. Бунинг асосий сабаби селекция-наслиқлик ишлари-нинг яхши эмаслигидир. Си-тирларнинг қўпчилиги кам маҳсулли бўлиб, улардан юқори натижани кутиш қи-ян. Иккинчидан, озуқанинг сифатини яхшилаш билан бир-га турини қўпайтиришимиз керак. Бу борада ҳисоб-ки-тобни пухта олиб бориш ло-зим. Масалан, совхозимизда ситирлар учун зарур бўлган, оксилга бой соя умуман

## «ЭГАСИЗ ФЕРМА»

Ҳифасида юқоридеги сарла-ва билан берилган таъкидий мақолада Коммунистик рай-онидаги У. Юсупов номи совхоз сут-товар фермасида қишлоб даврида йўл қўйила-ётган камчиликлар таъкид қилинган эди.

Мазола ижроия коми-тет ва РАПО Советининг кенгайтирилган йнғилиши-да муҳокама қилинди. — де-

## РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ АМАЛДА БЎЛСИН

КПСС XXVII СЪЕЗДИДА чорвачилиқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, селекция-наслиқлик ишларини ривожлантириш, подани си-фат жиҳатидан яхшилаш асосида моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини тубдан ошириш ҳисобига маҳсулот етиштиришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Областимиз чорвадорлари ҳам партия режаларининг амалга оширилишини таъминлаш, СССР Озик-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўишиш учун қизгин кураш олиб бормоқдалар.

Илгор районлар, колхоз ва совхозлар фантастика ютуқларидан омиқкорлик билан фойдаланиб чорвачилиқни интен-сив ривожлантириш юза-син зарур тадбирларни белгилаб, амалга оширмоқда-лар.

Лекин ҳамма жойда ҳам чорвачилиқдаги ишлар съезд талабларини даражасида ташкил этилган эмас. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, мавжуд эм-хашакларнинг тўйналигини ошириш, улардан тежамли фойдаланиш, зооветеринария хизматини яхшилаш каби масалалар юзасидан ҳали қўп ишлар қилиниши керак.

Қишлоб якуни шуни кўрсат-моқдаки, айрим район ва ҳўжалиқларда гўшт, сут, туҳум етиштириш планлари бажарила-рилмай қолмоқда. Зарбдор тармоқни ривожлантиришда интен-сив амиллардан самара-ли фойдаланилмапти.

Бундай камчиликлар Галаба райониде ҳам йўқ эмас. Баъ-зи бир ҳўжалиқларда чорвачиликка ҳамон ўғай кўз билан қарамоқда. Раҳбарларнинг эски услуб ва методларидан воз кечилмапти.

Газетамизнинг бугунги со-нида ана шу камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари чорвачилиқнинг жадал ривожлан-тиришга ҳалақат бераётган камчиликлар, муаммолар тах-лил этилди.

МОЛЛАР ВА ПАРРАНДАЛАРНИ УСТИРИШ ВА СЕМИРИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИЧКИ ХЎЖАЛИК ВА ХЎЖАЛИҚЛАРО ИХТИСОСЛАШТИРИШ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН, ГЎШТ, СУТ ВА БОШҚА МАХСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШНИ ИНТЕНСИВ МЕТОДЛАР ВА ИЛГОР ПОТОК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНСИН... ЧОРВАЧИЛИҚДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНСИН.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» ден).

Илгор районимизда, Агар, биз мана шу муаммоларни тўғри ҳал қилмас сўт етиштириши 10—15 процент қўпайтиришимиз мумкин.

Сут-товар комплексини меҳнатқилларни ўн иккинчи йилда давлатга 1600 тонна сут етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган.

С. ШОВРИЕВ, Киров номи ўқув ҳўжалиги сут-товар комплексини раҳбари.

СУРАТДА: ўқув ҳўжалигининг илгор соғувчилари (чапан) Ирина Алексеева, Вера Алексеева, Фотима Исхорова ва Солиха Абултоунова ўртоқлар. Улар бирктилган ситирлардан мўл ва сарқаймоқ сўт соғиб олиб, мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмапти.

А. Зүфаров фотолари.

## ИККИ СМЕНА НИМАЛАР БЕРДИ?

СОВХОЗИМИЗДА чорвачилиқни ривожлантиришда илгор тажрибалардан, фантастика ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Мана шулардан бири соғувчилар ишини икки сменада ташкил этиш бўлди. Албатта, бунга бирдан ўтилмади. Мутахассислар, чорвадорлар билан маслаҳатлашдик, фикр-мулоҳазаларини ўргандик. Шунга қарамай дастлаб бу ишга қарши чиққан соғувчилар ҳам учради. Улар ситир бир қўлга ўрганиши керак, акс ҳолда сўт кескин кайиб кетади, дейишди. Лекин орадан икки-уч ой ўтгач, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қўтарила бошлади. Сўт соғиб олди.

Сўнгги икки йилда биронта бузоқ ноуб бўлмади. 1986 йилда зош бош ситирдан 95 тадан бузоқ олишни режалаштирдик.

Яна бир тажрибамиз бор: бу бузоқларни совузда ўстириш усулидир. Бу усулни ҳам барча фермаларда бемалол қўланиш мумкин. Бузоқ туғилгач, махсус боксларда онаси билан бирга уч кун сақлаймиз. Сўнгра бузоқлар ташқарига, махсус тайёрланган каттакларга олиб чиқилади. Бу ерда улар ташқи ҳавога мослашади. Орадан 10—15 кун ўтгач, бузоқлар озуқани бемалол ейдиған бўлгач, группаларга ўтказилади. Бу оддий ишларни бажаришда барча ветеринария-санитария тартиб қоидаларига риоя этилиши натижа қўнғилдаги тўғил ҳис қилмоқдалар. Эндилкида улар ситирни арта-лаб барвақт соғиб бўлганлар.

Икки смена ишлашнинг афзаллигини соғувчиларимиз тўғил ҳис қилмоқдалар. Эндилкида улар ситирни арта-лаб барвақт соғиб бўлганлар.



СОВХОЗДА эм-хашакдан самарали фойдаланишга, тўйналигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунларда ҳам соғин ситирларга 14—15 озуқа берилги ҳисобига емиш тарқатилмоқда. Бунда озуқа цехи жуда қўп келяпти. Сурада: аралашма озуқа тайёрлаш цехида иш қизгин.

Бунга озуқа цехи жуда қўп келяпти. Сурада: аралашма озуқа тайёрлаш цехида иш қизгин.

## НАСЛИГА БОҒЛИҚ

КОЛХОЗИМИЗДА ўтган йилда давлатга 153 тонна гўшт сотилди. План икки ҳисса олд этилди. Шунингдек, 1084 тонна сут, 80,6 минг дона туҳум етказиб берилди.

Ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилдик, қишлоғга аввалги йилдаги қараганда бирмунча қўп эм-хашак жамғарилади. Айниқса, лавлагидан баранкали ҳосил олди.

Ленин, умуман олганда ишминдан қўнғилмиз тўлмапти. Агарда фаолиятимизга КПСС XXVII съезди талаблари асосида баҳо берилган бўлса, тармоқни катта фойда келтирадиган соҳага айлантириш учун ҳали қўп тўри қилиш, қўп меҳнат қилиш керак.

Бу йилда қишлоб даврида сут етиштириш ўтган йилги

қишлоғга нисбатан 80 тонна камийиб кетди. Биз ўзимизча бунинг сабабларини тах-лил қилиб, шундай хулосага келидик: Ситирларнинг қўпчилиги жайради, шу тўғрисида берилётган эм-хашакнинг қатийни яхши бўлмапти.

Демак, биринчи гада фермада наслиқлик ишлари савиясини тубдан яхшилаш зарур. Мутахассисларимиз диққат-этиборни ана шунга қаратишлари керак. Биз улар билан ҳамкорликда, амаллашга ишлаб, наслиқ ситирлардан олган урғочини бузоқларни алоҳида парвариш қилиб, шулар ҳисобига подани тўлдириб боришимиз талаб этилади. Иккинчидан, чорвачилиқнинг мавжуд техника усулларидан, озуқа цехидан фойдаланиш самарадорлигини оширишимиз керак.

Н. ГЕРАСИМОВА, «Заря коммунизма» колхозининг сут соғувчиси.

## ҚАЧОН ИШГА КИРИШАСИЗ!

ҚИШЛОВ якунланмоқда. Ўтган йил сабоқларидан ўргини хулоса чиқарган, ҳисоб-китоб билан иш олиб борган, эм-хашакдан расамади билан фойдаланган чорвадорлар гўшт, сут етиштириш анча қўпайтирдик. Бундайлар Галаба районида ҳам бор. Лекин фермаларини айланган эканман, улар жуда озчилиқни ташкил этишини қўриб афсусландим. Қўпгина колхоз ва совхозлар қишлоб даврида маҳсулот олишни анча камайтириб юборганлар. Бонис тартиб-интизом бўш, эм-хашакдан самарали фойдаланилмапти, озуқа цехлари беқор туриб қолмоқда.

Ленин биз кирган кунни бу ердаги аҳвол, вазият бошқачор эди. Аллақачон ремонтлаб бўлган поллар ва чор-атроф ифлос эди. Мен бир йўла ситирлар «яйратилмади» майдонни ҳам қўрмоқчи бўлдим. Ана, бир чеккада симтўр ва темир тўсиқлар билан ўралган майдонда ситирлар «яйраб» юришарди.

Бунинг биз ўз қўчимиз билан амалга оширдик, дейди бош зоотехник. — Чунки лойиҳада яйратиш майдони кўзда тутилмаган экан.

Лекин «қўл бола» майдондаги ишлар ҳам чақалакман.

Чатти эди: охурлар йўқ. Даладан қандай бўлса шундайлига келтирилган хашак майдоннинг у ер — бу ерига олд, тўғунингча е, дегандек, тўғиб қўйилди.

— Ахир хотамтойлик ҳам эми билан-да, бу қанақаси бўлди, зоотехник ўғлим, — дедим мен. — Қарагин-а, хашакларни моллар оёқ остида олиб, лой-тулоққа қоршиштириб ташлапти-ку... Озуқа цехида қайта ишлаб, сўнг молларга едирялтимиз, деган эдинг-ку!

Зоотехник индамади. Нима ҳам дея оларди. Булар иш бўлган, носа синган эди.

200 бош бўрдоқ моллар боқилаётган норуслардаги аҳвол ҳам яхши бўлиб чиқмади. Бу ерда ҳам шатмоқ босиб кетган новослар ил-ма-тешиш охурларга солинган оёқ ости қилиб юборишган. Аллақачон ремонтлаб бўлган бузоқхонанинг деворлари нураб ётпти. Ҳаммаёнда ахлат уюмлари.

Нихоят бош зоотехник дардини ошқор қилишга мажбур бўлди.

— Иложимиз қанча, Чўплов ота, — дедим М. Мута-лов. — Бундан олти-етти йил муқаддам ферма бундай келаётганда ҳеч ким нури-лишлан хабар олмаган. Бундан фойдаланган қурув-чилар ўз билганларича иш-

лаб, бир амаллаб битказиб кетишди. Аввалига фермани бурдоқчиликка ихтисослаштиришди, уч йил ўтгач ситир боқинлар, деган бўй-руқ беришди. Сўнгра яна бурдоқчилар боқила бошлан-ди. Ҳозир эса соғин ситирлар парвариш қилинмоқда. Деярли ҳамма иш кўзда бажарилади. Эндилкида бу ердаги ишларни механизациялаштириш учун қўшимча маблағ сарфлашга тўғри келмоқда...

Ҳақиқатан ҳам зоотехникнинг гапларида жон бор эди. Районда планлаштириш ишларига қатъий тартиб йўқлиги тўғрисида бир ҳўжалик-

Мен фермадаги бошқа камчиликлардан оғиз олмадим. Озуқа етиштиришга нима учун эътибор берилмаётганини айтадиган бўлсам гап қўл. Молларга едирялаётган силос ва сеная сифатсиз тайёрланган. Ҳаргалай пала-партис жойланбди. Яхшилаб ишбилан берилти-лабди чоғи. Қор-ёмғирда қолиб могорлаб, деярли яр-ми чириб кетган. Шунинг учун қўплай нушхўрдга чиқ-моқда. Ҳўнасивлик қимматга тушмоқда. Чорвачилиқ колхозга катта зарар келтир-моқда. Биргина 1985 йилда бу тармоқдан қўрилган эиён 50 минг сўм бўлди.

Ҳайронман. Нима учун ҳўжалик раҳбарлари зарбдор тармоқдаги ишларни яхши-лаш учун астойдил ириш-маптилар. РАПО Советининг йрди ми қана? Камчи-ликларнинг олдини олиш мумкин эди-ку!

Эндилкида бундай ишлаб бўлмайди. Бунга йўл қўйиш ҳам мумкин эмас. Партия-мининг XXVII съездида илм-фан ютуқларидан, илгор тажрибалардан оқилона фой-даланиб, чорвачилиқни жа-дал юксалтириш, фойдали тармоққа айлантириш вази-фас қўйилди. Ишни қайта курамсан, раҳбарларнинг эски услубидан воз кечмас-дан туриб, бу вазифани уд-далаб бўлмайди.

Чўпов ота таасуротларини оққа кўчирувчи: Ф. МУ-ҲИДИНОВ.

ЖАМОАТЧИ РЕДКОЛЛЕГИЯ



Илгор районимизда, Агар, биз мана шу муаммоларни тўғри ҳал қилмас сўт етиштириши 10—15 процент қўпайтиришимиз мумкин.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ГИМНАСТИКАСИ

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЭМАС

Ўзбекистон касба соҳалари республика Советининг ишлаб чиқариш гимнастикаси ва Бутуниттифоқ ГТО комплексини жорий этиш юзасидан республика методик кабинетини шу йил 20 мартдан 20-апрелгача реидлар ўтказди. Улардан маъсад жойларда ишлаб чиқариш гимнастикаси қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш эди.

Бу борада намуна қилиб кўрсатиш мумкин бўлган корхоналар оз эмас. СССР 50 йиллик номида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасида физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилганлиги фақат инструкторларнинг жомбаолини туйфайлигина эмас. Корхона матмурияти, партия, касба соҳаси, комсомол комитетлари физкультура-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини жонлантиришга қўйиладиган кўмаклашадилар.



ГОЛИБЛАР САФИДА

Ўзбекистон XX спартакиада-си тобора кўзгини тус олмақда. Ҳозиргача чим устида юкней, эркин ва классик кураш, вольфголт, бешкураш, бокс, городок, теннис, велоспорт (трек ва шоссе), шахмат, кўл тўли бўйича чемпионлар аниқланди.

● КҮЛ ТҮПИ. Наманганда Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри ва барча областлар аёллар терма командалари ўзaro куч синашдилар.

● ВЕЛОШОССЕ. Фарғона яқинидаги маршрутлар бўйлаб ўтган бу пойгада ғалаба қозониш осон бўлмади.

● ШАХМАТ. Спартакиада программаси асосидаги кўнгилли спорт жанматлари ва

идоралар шахматчиларнинг мусобақаси Самарқандда ўтказилди. Бақсларда 42 имкониятдан 34 очко тўлган «Буравестник» шахматчилари ғолиб чиқишди.

● ШТАНГА. Республикавий мусобақаларнинг полковлари бу йил Фарғонада тўпланди. Тошкент шаҳри велоспортчилари эгаллашди.

● ВЕЛОШОССЕ. Фарғона яқинидаги маршрутлар бўйлаб ўтган бу пойгада ғалаба қозониш осон бўлмади.

● ШАХМАТ. Спартакиада программаси асосидаги кўнгилли спорт жанматлари ва

ОЛМАЛИҚ ТЕННИСЧИЛАРИ БИРИНЧИ

Область спартакиада-си программаси асосида Олмалиқда ўтказилган теннис мусобақалари якунида. Команда ҳисобида олмалиқликлар биринчи, ангреликлар иккинчи, Чирчиқ командаси учинчи совринли ўринни эгаллади.

Ўртасида М. Абдураманов, аёллар ўртасида эса Э. Жураевалар (Олмалиқ) спартакиада чемпиони бўлдилар.

Н. ҲАСАНОВ, Область физкультура ва спорт комитетининг инструктори.

БОЛАЛАР СПОРТ МАКТАБИ

Ешлар ўртасида спорт-техника мусобақаларига бўлган қизиқиш катта. Шу сабабли Ўзбекистон ССР ДОСААФ радиоспорти бўйича республика спорт-техника клуби бу борада қатор ибратли тадбирларни амалга оширишга киришди.

радиоклуби ташаббуси билан ташкил этилган бу чирчиқ мактабига қатор спорт ташкилотлари қўйиладиган ёрдам беради.

Яқин орада болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам иш бошлайди. Республика

Радиоклуби ташаббуси билан ташкил этилган бу чирчиқ мактабига қатор спорт ташкилотлари қўйиладиган ёрдам беради.

«БҮШ КЕЛМАНГ, ЙИГИТЛАР!»

«Текстильщик» стадионида турли қизиқарли мусобақалар, конкурслар ўтказилиши сабабли бу ерга келувчиларнинг кети узилмади.

Куч синашдилар. 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи қатнашган бу конкурсда команда ҳисобида биринчи ва иккинчи ўнвуч фабрикалари коллективлари ғолиб чиқишди.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

АНЪАНАВИЙ КУНЛАР

СОФИЯ. Округ маркази — Плевнеда «Ленин ва ёшлар» деб аталган анъанавий кунлар бошланди. В. И. Ленин туғилган кунинг 116

йиллигига бағишланган ана шу анъанавий кунлар программасига мувофиқ, жамоат корхоналари, фан ва маданият оқимлари тематик лекциялар ўқийди, выставалар ташкил этилади, Ленин таълимоти қўйиладиган аҳамияти тўғрисида махсус радио

эшиттиришлари уюштирилади. Болгарияда совет саяёти байрамида қатнашиш учун бу ерга келган Совет Иттифоқи вакиллари шаҳардаги ёшлар меҳнат коллективлари ҳузурида меҳмон бўладилар.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

ДОРУС-СА Л О М. АҚШнинг Ливияга қилган ҳужумига қарши бугун бу ерда бўлиб ўтган норозилик намоийишида танзаниялик минг-минглаб кишилар қат-

нашдилар. Намойишчилар кўчаларига транспарантлар кўтариб олиб ва Вашингтоннинг қароқчиларга агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қоралаган шорларини баралла айтиб, шаҳар кўчаларини ўтқизди. Танзания революцион партияси миллий як-

рония комитетининг аъзоси Кингунге Нгомбале—Мвиру намоийишчиларга мурожаат қилиб, Рейган маъмуриятининг ҳуруки Гитлер режими кўллаган методларга ўхшаб кетади, деди.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

● БАҲДОД. 21 апрель. (ТАСС). Ироқ бoш ҳарбий кўмондонлигининг навбатдаги ахборотида кўра, ўтган кунги Ироқ авиацияси шимолий-ғарбий Эрондаги муҳим транспорт йўли ҳисобланган Миён шаҳри яқинидаги темир йўли кўпригини бомбардирмон қилиб бузиб ташлади.

● НИКОСИЯ, 21 апрель. (ТАСС). Эрондаги ИРНА агентлигининг хабарига қараганда кеча Эрон кўшиқлари Фао ярим оролининг жанубий-ғарбий қисмида душман ҳужуми қайтарилди. Ироқ ҳарбий хизматчиларидан 1500 дан кўпроқ кишини қириб ташлаганлар ва салма 2600 кишини ярадор қилганлар.

● БАҲДОД. 21 апрель. (ТАСС). Ироқ бoш ҳарбий кўмондонлигининг навбатдаги ахборотида кўра, ўтган кунги Ироқ авиацияси шимолий-ғарбий Эрондаги муҳим транспорт йўли ҳисобланган Миён шаҳри яқинидаги темир йўли кўпригини бомбардирмон қилиб бузиб ташлади.



● СССРнинг ядро қуролларини синашни тақиқлаш тўғрисидаги тақдирларига қўйилганини талаб этганимиз. Оқ уй олди-

да ўтказилган митинг қатнашчилари шундай шорни кўтариб чиқдилар. Улар АҚШ маъмуриятдан Совет Иттифонининг тинчликсевар

еёнатига қўйилганини талаб қилдилар. Суратда: намоийиш қатнашчилари. Е. Шальнева телефотоси. ТАСС.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти дунё халқларининг жумладан ўз халқининг хоҳиш-иродасини сурбетлик билан назар-писанд қилмай ядро қуролнинг янги синовларини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

● ПАРИЖ. Францияда ўнг кўчаларнинг ҳокимият тепасига келиши натижасида йирик капитал меҳнаткашларнинг ғалабалари янги ҳужум бошлади.

● ПАРИЖ. Францияда ўнг кўчаларнинг ҳокимият тепасига келиши натижасида йирик капитал меҳнаткашларнинг ғалабалари янги ҳужум бошлади.

● СССРнинг ядро қуролларини синашни тақиқлаш тўғрисидаги тақдирларига қўйилганини талаб этганимиз. Оқ уй олди-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА ЮКСАК МАДАНИЯТ УЧУН

Шу йилнинг 1 июнига қадар Тошкент область алоқа корхоналарида алоқа хизмати барча турлари бўйича аҳоли ва халқ хўжалигига хизмат кўрсатиш маданияти икки ойлик кўрни ўтказилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР

Аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш ҳамда хизмат фаолиятини активлаштириш мақсадида газетамда босилган ушбу аниқта орқали Сиздан ишлаб турган ёки иш жойингиздаги алоқа корхоналари кўрсатаётган хизматининг сифати ва маданияти ҳақида ўз тақлиф ва мулоҳазаларингизни хабар қилишни сўраймиз.

1. Ўзингизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлимининг иш тартиби сизга маъқулми? Бу ишни яхшилаш юзасидан сизнинг тақлифларингиз:

Алоқа бўлимининг номери ёки номини кўрсатинг.

2. Иш тартибининг бузилиши ҳоллари юз бериб тура-дими?

(кеч очилади, эрта ёпилади),

(тушлик танаффус вақтига рўя қилинмайди)

3. Сиз ўчун шикоят ва тақлифлар китобини сўраб олиш осонми? (ҳа, йўқ)

4. Мазкур алоқа корхонасидаги хизмат кўрсатишининг сифати? (қониқарли, қониқарсиз)

5. Сиз алоқа бўлимига мурожаат этган вақтингизда алоқа бўлими хизматининг қандай турларидан баҳраманд бўлолмадингиз? (хатлар, телеграммалар, пул переводлари, посылалар, бандероллар жўнатиш, шаҳарларара телефонда сўзлашиш, почта, матбуот, пенисия, нафақа элтиб бериш ва бошқалар).

6. Сизни марказланган почта маҳсулотларининг мавжуд тури қаноатлантирадими? (конвертлар, оқриткалар, бандий ишланган маркалар), аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун, Сизнинг фикрингизча, мавжуд почта маҳсулотларига қўшимча яна қандай маҳсулот турлари талаб этилади?

7. Сиз алоқа бўлимининг қониқарсиз иши юзасидан юқори ташкилотлар (район, шаҳар алоқа эзолиги)га мурожаат этасизми? Агар мурожаат этган бўлсангиз Сизнинг талабингизни қандай қондиришди?

8. Алоқа бўлимидаги мавжуд ахборот материаллари, реклама, хизмат турлари рўйхати, тарифлар, бланкаларни қандай тўлдириш намуна нусхалари ва бошқалар Сизни қаноатлантирадими?

9. Алоқа корхоналаридан хизмат кўрсатишининг маданияти: мижозлар учун яратилган шарт-шароит, хоналарнинг эстетик жиҳозланиши, ишдаги янчилик, ходимларнинг ҳушмуомалалиги, эътиборлилиги ва ҳоказолар ҳақида Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингиз.

СИЗДАН ЎЗ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ (анкета газетадан қирқиб олиб тўлдирилади) қуйидаги адресда жойлашган кўрникча яқун чиқарувчи комиссияга жўнатишингизни сўраймиз. Тошкент шаҳри, 99-алоқа бўлими, Энгельс кўчаси, 117-ўй, Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ИНСТИТУТГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИ ЕШЛАР УЧУН

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ» ЎТКАЗИЛАДИ

«Очиқ эшиклар кунлари» факультетлар бўйича қуйидаги мuddатларда ўтказилади:

7 май — Табиёт-география факультети; 11 май — Математика тарбия ва бошланғич таълим методикаси; 14 май — Математика, физика, индустриал-педагогика факультетлари;

18 май — Дефектология факультети; 21 май — Вадий-графика ва музыка-педагогика факультетлари;

28 май — Ўзбек-қозоқ филологияси, рус-татар филологияси ва тарих факультетлари.

Очиқ эшиклар кунини соат 15.00 да бошланади. Яқнаба кунлари — 11 ва 18 майда соат 11.00 да бошланади.

Программада: факультет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар билан учрашув, профессорлар ва бошқа етакчи мутахассисларнинг сўзга чиқиши, лаборатория, кабинет, музей, аудиториялар ва бошқалар билан таниш.

БОҒ ВА ПОЛИЗДА МЎЛ ҲОСИЛ

БОҒ ВА ПОЛИЗЛАРДА ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАР ВА БЕГОНА ЎТЛАРНИ, МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ВА ЭКИНЛАРДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЯЎҚОТИШДА ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР ҚЎЛ КЕЛАДИ.



КАРБОФОС — Меваали дарактлар, резавор сабзавот экинлари, тоқзордаги узумларда қандайла, ўргимчаккана, напалак курти, шира, куяларни йўқ қилади.

Агар зараркундалар пайдо бўлса меваалар ва экинлар етилиш даврида бу химикат билан ишлов берилди. Ўсимликларнинг гуллаш даврида бу химикат билан ишлов бериш таъқиқланади!

ТРИФОС — Олма, нок, олхўри, олча, смородинада капалак курти, ўргимчаккана ва шира пайдо бўлганда бу химикат билан ишлов бериш керак.

Бу химикат меваали дарактлар ва сабзавот экинлари ҳосил йиғиштириб олинган 30 кун олдин некимий сепилади, резавор экинларга эса гулламасдан олдин сепилади.

ПРОПИНАТ — Боғларда ва қулпнайзорда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин қузда тулроққа пураш учун, шунингдек картошка, лавлаш, смородина, малина, қрижовник экинладан жой таёйрлаш пайтида бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизини қуритиш учун қўлланилади.

МИС ХЛОРОКИСИ ҲСИМЛИКЛАРНИ ТУРЛИ ХИЛ КАСАЛЛИКЛАРДАН АСРАДИ:

Олма ва нок дарактларини монилизодан; Олхўри, шафтоли, олча, ўрик, гилос дарактларини — чумоли босиш, бактериялар босиш ва бужмайишдан; Ток узумини — рага ва шира тушишдан;

Помидор ва картошка экинларини — турли ҳашаротлар кемиришдан; Бодиринг, пизёз ва хмелин — ҳар хил кемирувчи куртлардан ҳимоя қилади.

Бу препаратлар билан ишлов берилганда турли қўнғизлар кескин қаймай кетади.

ВНИХСЭР «СОЮЗХИМЗАЩИТА» БУТУНИТТИ-ФОҚ БИРЛАШМАСИ.

ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГ

СОПОЛ ИДИШ-ТОВОҚЛАР АНЪАНАВИЙ НАҚШИН ГУЛЛАРИ БИЛАН АСРЛАР ОША ОДАМЛАРГА МАНЗУР БЎЛИВ КЕЛМОҚДА.

Турли катта-кичиклидаги лаганлар, пивёлалар, чойнаклар ҳозирги пайтда турмушда ўринли ишлатилмоқда. Бу идиш-товоқлар дастурхонни ноз-неъматлар билан безатишда қўл келади, айниқса сопол идишларда қайноқ таомларни тановул қилиш қадимий одатидир.

КЕРАМИК ҲУҚАЧАЛАРДА ДИМЛАМА, ШҮРВА ЛАЗЗАТЛИ БЎЛИВ ПИШАДИ.

КЕРАМИК ИДИШ-ТОВОҚЛАРНИ ЦУМ, ГУМ, «ЧИ-ЛОНЗОР» ЦУМИ, ХУЖАЛИК МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ, МАГАРИ ВА «СОВГАЛАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИНДАН СОТИВ ОЛИШ МУМКИН



«УЗХОЗОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИ-ФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«УЗБЕКОНЦЕРТ» В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДҲСТЛИГИ САРОНИДА

26, 27 апрель соат 19.00 да СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ТОЖИК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИСИНинг СОЛИСТИ

Жўрабек МУРОДОВ

КОНЦЕРТИ

Билетлар сарой қассаларида соат 14 дан 19.00 гача сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта Москва муз устида чиқиб коллектив томошалари (19.30).